Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 22 декабрь, чоршанба # 50-51 (114-115)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

СОҒЛОМ АВЛОДИЙИЛИ



Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман.

Ислом КАРИМОВ

Республика прокуратурасида

ИНСОН – АЗИЗ ВА МУКАРРАМ ЗОТ

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида бўлиб ўтган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашда «Дастлабки тергов ва суд жараёнида айбланувчи ва судланувчилар, шунингдек тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкум ва маҳбусларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросининг аҳволи ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Олий суди, Адлия ва Ички ишлар вазирликларининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этдилар. Кун тартибидаги масала юзасидан Бош прокурор ўринбосари, II даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашит Қодиров маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар асосида инсон манфаатларини ҳимоялаш, инсоннинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини кафолатлаш борасида бир қатор ижобий ишлар қилинган. Бироқ, айрим масалаларда, хусусан, дастлабки тергов ва суд жараёнида айбланувчи ва судланувчиларнинг, шунингдек тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг манфаатларини ҳимоялашда ҳуқуқий демократик жамият тамойилларига ҳар доим ҳам амал қилинаяпти, деб бўлмайди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан деярли ҳар йили амнистия тўғрисида фармон чиқарилиб, айбдорлик даражасига қараб кўплаб маҳкумлар озод қилинмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан тузилган махсус комиссиянинг таклифи асосида Жиноят Кодексининг айрим моддаларини санкциялашга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида Олий Мажлиснинг XV сессияси тегишли қарор қабул қилгандан кейин, судларнинг айблов ҳукмлари қонунга мувофиқлаштирилиб, бир неча минг маҳкум, ҳибсхоналарда сақланаётган иши дастлабки тергов ва суд жараёнида кўрилаётган кўплаб шахслар озодликка чиқарилдилар.

Бош прокурорнинг айрим жиноятларни содир этган айбланувчиларга нисбатан гаров тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмаси ва Олий Суднинг «Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги қароридан кейин қонуннинг бу талаби асосида ишлашга эътибор кучайиб, 1999 йилнинг 1 декабрига қадар 790 нафар айбланувчиларга нисбатан гаров қўлланилган.

Бироқ айрим тергов идоралари гаров, кафиллик тарзидаги эҳтиёт чораларини кўпроқ қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш амалиётини кучайтириш масаласига етарли даражада эътибор бермаётирлар.

Прокуратуранинг кўрсатмаларидан кейин Ички ишлар идоралари терговчилари иш юритувида бўлган ва Жиноят-процессуал Кодексининг 242-моддаси талабларига зид равишда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлари учун тергов ҳибсхоналарида сақланаётган 21 нафар айбланувчи қамоқдан озод қилинди. Лекин айбланувчиларни ноқонуний қамоқда ушлаб туриш ёки тергов ишларининг ҳеч бир асоссиз пайсалга солиш ҳолларига тўла барҳам берилмаган. Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳуқуқ-тартибот идораларида шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Жиноят Кодексининг инсонпарварлик тамойилларининг бузилишига айрим судлар томонидан жазо тайинланишида ҳам йўл қўйилмоқда.

Масалан, Бўстонлиқ туман судининг ҳукми билан 3 та товуқ ўғирлагани учун қарамоғида 2 нафар фарзанди бор Б.Мирпиев, Каттақўрғон шаҳар судининг ҳукми билан бир қоп ун ўғирлаган Б.Назаров ва Д.Халиловлар, Оқдарё туман судининг ҳукми билан 80 кг. картошка ўғирлагани учун И.Расулов ва А.Қурбоновлар 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлар. Бу фуқароларнинг илгари судланмаганлиги, муҳтожлик натижасида жиноятга қўл урганликлари судлар томонидан инобатга олинмаган. Уларни ва шу турдаги жиноят содир қилган бошқа шахсларни ҳам енгилроқ жазо тайинлаш билан қайта тарбиялаш жамиятга ва оила аъзоларига фойда келтириши мумкин эди. Қонунларимизнинг инсонпарварлик руҳидан фойдаланмасдан битта дўппи (Файзулла Хўжаев тумани), бир қоп буғдой (Хатирчи) ёки чойнак-пиёла (Зангиота тумани) ўғирлагани учун вояга етмаганларга ва аёлларга нисбатан қаттиққўллик қилишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

— Судларнинг ва прокуратура идораларининг бу соҳадаги ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз керак, - деди маъруза юзасидан музокарага чиққан Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Абдусамат Полвонзода. — Қонуннинг тегишли моддаси 1 йилдан ошиқ жазо тайинланадиган шахсларни қамоққа олиб тергов ва суриштирув ишларини олиб боришни назарда тутади. Ва мана шу ҳолат тергов ва суд ходимларини чалкаштирмоқда. Шунинг учун ЖПКнинг 242-моддасини қайта кўриб чиқиш керакка ўхшайди.

Судлов амалиётини таҳлил қилганимизда кейинги пайтда иқтисодий жиноятлар учун 15-20 йиллик жазо муддати тайинлаш, мансаб суиистеъмолчилиги учун 8-10 йил ва ҳатто ундан ортиқ муддатга жазога ҳукм этиш ҳолатлари кўпайиб кетганлиги кўзга ташланмоқда.

Савдо қоидаларини ва солиқ тўлаш қоидаларини бузганлик учун жазо тайинлаш амалиётини ҳам биргаликда таҳлил этиб чиқишимиз керак. Жазо тайинлаш ҳар қандай шароитда ҳам одил ва адолатли бўлиши шарт.

Музокарада қатнашган Адлия вазирининг 1-ўринбосари Ғ.Раҳимов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари С.Асатов, Президент Девонининг маъсул ходими А.Холмаҳматов ва бошқалар қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқариш позициясида ишлаш ва яшаш ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ишига фақат фойда келтиришини бир овоздан эътироф этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, II даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмон Худойқулов кенгашга якун ясар экан, энг аввало қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойилини менсимаган терговчи, прокуратура ходими ва судьяларга нисбатан қатъиятли бўлиш масаласига эътиборни қаратди. «Оддий фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган шароитда қонун посбонларининг бунга зид ҳаракатларига фақат ана шу йўл билан чек қўйиш мумкин», деди сўзининг пировардида Бош прокурор.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ушбу сонда

ҚАРОР ВА ИЖРО

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори жойларда қандай бажарилмоқда?

2 бет

БОШИ БЕРК КЎЧА

Ваҳҳобийликни тарғиб қилувчи адабиётларни тарқатиш билан шуғулланиб келган йигит ушланди. Ҳеч вақт ўтмай, гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам қўлга олинди.

5 бет

ИККИ ВАҲШИЙНИНГ ҚИЛМИШИ

Машина йўл четида тўхтади. Икки шарпа йўл четидаги бетон қувурдан ҳатлаб ўтиб, қоронғулик бағрига сингиди. Шу лаҳза бир бегуноҳ инсон қисматига чек қўйишга фатво ўқилди.

7 бет

Кейинги сонларда

«МЎЪЖИЗАЛАР АСРИ»

XXI асрда инсон ақл-заковати қандай кашфиётлар ярата олади?

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори жойларда қандай бажарилмоқда?

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тан олиш керак, ўтаётган йилимизда мамлакатимизнинг айрим хўжалик юритувчи субъектларида иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслик ҳолатлари кузатилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра Сирдарё вилояти бўйича иш ҳақидан жами хўжалик юритувчи субъектларнинг қарзи 1230370 минг сўмни ташкил қилган.

Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланмаслигининг сабаби таҳлил қилиниб, қонун бузилишига йўл қўйган масъул мансабдор шахсларга нисбатан кескин прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Боёвут туманидаги Т.Латипов номли ширкатлар уюшмасида ишчи-хизматчиларга иш ҳақларининг ўз вақтида тўланиши юзасидан текшириш ўтказилганда, текшириш кунида хўжаликнинг дебитор қарзлари 8063 минг сўмни, шундан муддати ўтгани 5909 минг сўмни, дебиторлик қарзлари ўз вақтида ундирилмаслиги оқибатида иш ҳақидан қарздорлик 6545 минг сўмни ташкил этгани аниқланди.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра хўжалик раҳбари Ш.Исмоиловга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва мазмунан кўриш учун судга юборилди. Боёвут туман судининг ҳукмига кўра Ш.Исмоиловга иш ҳақидан 30 фоиз ундириладиган 3 йил ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Шунингдек, Мирзаобод тумани коммунал хўжалиги бирлашмасида текшириш ўтказилганда, бирлашманинг бош ҳисобчиси 1998 йил давомида тўлов қайдномаларидаги ишчи-хизматчиларга ёзилган ойлик иш ҳақи миқдорларини ўзгартириш йўли билан 13500 сўм маблағни ўзлаштирганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан бош ҳисобчи А.Бўроновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва у ҳам суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Булардан ташқари прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишларда банк муассасаларида ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аён бўлди. Жумладан, «Пахтабанк»нинг Оқолтин туманидаги Сардоба бўлими 150 нафар мижоз билан ўзаро икки томонлама шартнома расмийлаштирган. Лекин меҳнатга ҳақ тўлашга доир масалалар, уларни қайси муддатларда, қанча миқдорда тарқатиш лозимлиги, бу шартлар бажарилмаганда томонларнинг жавобгарликлари белгилаб олинмаган. Шу боис банк томонидан иш ҳақи маблағларининг ўз вақтида тарқатилмаслиги, мижозларнинг ҳисоб рақамларида пул маблағи бўлса-да, нақд пул беришни кечиктириш ҳолатларига йўл қўйилган. Мисол учун, тумандаги «Автомобилчи» ҳиссадорлик жамияти ҳисоб рақамига иш ҳақи учун 259,7 минг сўм келиб тушган бўлса-да, банк томонидан ҳеч бир сабабсиз маблағлар кечиктириб тўланганлиги етмагандай, 85.7 минг сўми тўланмаган.

Бундан ташқари, мазкур банк Сардоба пахта тозалаш корхонасига иш ҳақи учун келиб тушган маблағдан 200 минг сўмини банк даромадлари учун ушлаб қолган.

Худди шу каби қонун бузилиши ҳолатларига тумандаги Миллий банк бўлими томонидан ҳам йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар якуни бўйича даъво аризалари киритилиб, иш ҳақларининг ҳисоб-китоб қилинишига эришилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида судларга тушган иш ҳақларини ундириш ҳақидаги 2926 минг сўмлик 110 та даъво аризанинг 89 таси прокурорлар томонидан киритилган.

Яқинда матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарор қабул қилинишидан асосий мақсад меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишдан иборатдир.

Қарорда барча корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Вилоят прокуратураси идоралари ҳам ушбу қонун ижросини қаттиқ назоратга олиб, бу борадаги ҳар қандай қонунбузилиш ҳолларининг олдини олишга, ҳалол, тер тўкиб ишлаётган меҳнаткашларнинг иш-ҳақларини ўз вақтида олишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратадилар.

Эшмамат БЕРДИМУРОДОВ,
Сирдарё вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

ИШ ҲАҚИНГИЗ — ҲАЛОЛ МАОШИНГИЗ

УНИ УЗОҚ САҚЛАБ ТУРИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚИ ЙЎҚ!

Дилором Қаршиева раҳбарлигида бўлиб ўтган суд жараёнида Пойариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бир неча ойлаб маошларини ололмай келаётган аъзолари иштирок этишди. Шунингдек, залдаги бошқа меҳнаткашлар ҳам суд жараёнини ҳаяжон билан кузатиб бордилар.

—Ойлик маошларингизни ўз вақтида ололмаётганликларингиз юзасидан туман прокурори «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги маъмуриятига нисбатан даъво иши қўзғатган. Сизлар бунга нима дейсизлар?

Залда бир зум сергаклик пайдо бўлди. Кейин олдинда ўтирган аёллардан бири ўрнидан турди:

— Ҳой, опажон. Бизнинг иш ҳақимиз масаласида ҳеч кимнинг бурни қонамайдими ишқилиб?..

«Қадоқ қўллари бир сўмни тутгани йўғ-у, яна ўз ҳақини сўрашни ор деб билишади-я! Тортинчоқлик ҳам эви билан-да». Туман прокурори кўнглидан кечган шу фикрдан кейин ўрнидан туриб, меҳнаткашларга юзланди:

—Азизлар, ҳар сўзингизда андиша-ю, истиҳола. Ахир сизлар йил бўйи меҳнат қилдингиз-ку! Тўғри, юз-хотир бор ўртада. Афсуски, андишанинг номини қўрқоқликка йўювчи кимсаларга бунчалик илтифотнинг нима кераги бор? Сизнинг ана шу хислатларингиздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келаётган баъзи калтабинлар эл нонини туя қилишни ўзларига ор билишмайди. Иш ҳақларингиз қилган меҳнатингиз эвазига берилади. Уни узоқ сақлаб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Залда анча жонланиш вужудга келди. Ахир, гап йиғилганлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида борарди. Дард-ҳасратлар шундай пайтда ўртага ташланмаса, қачон айтилади?!

Суд мажлиси тугагач, жамоа хўжалиги аъзоларидан бири — З.Бойназаровни суҳбатга тортдим.

— 1998 йили 5 гектар майдонда буғдой етиштириб, давлатга ҳар гектаридан 40 ўрнига 80 центнердан сара дон топширгандик. Аммо шартнома бўйича бериладиган устама тўловларимизни ҳанузгача ололганимиз йўқ. Кўзимиз кеч очилди. Туман прокурорига ариза қилиб боргандим. Бугун-эрта ундириб берилар эмиш.

Ҳа, гап-гаплигича қолгани йўқ, меҳнаткашлар саноқли кунлар ичида бутун йил бўйи ололмаган маошларини ола бошладилар. Қонун ҳимоячилари туманнинг қолган хўжаликлари ишчилари учун ҳам иш ҳақи тўловлари йўлга қўйилишини кузатиб бормоқдалар.

Бу замонда устамон бўлмаганга мушкул экан. Оддий ишчилар иш ҳақларини ололмай бош қотираётган паллада, айрим раҳбарларнинг пичоғи мой устида. Кези келса, туяни ютиб юборишни ҳам қойиллатишади. Келинг, яхшиси Пойариқ туман прокурори Фахриддин Жумаевнинг сўзларига қулоқ тутайлик:

— Ўтказилган текширишлар жараёнида айнан «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг ўзида меҳнаткашлар ҳақига қилинган қатор хиёнатларни аниқладик. Масалан, хўжаликнинг собиқ бош ҳисобчиси А.Турдибоев Жомбой дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятига 1998 йил 28 август куни хат билан мурожаат қилиб, янги топшириладиган ҳосил ҳисобидан «Дўстлик» дўкони орқали 540 минг сўмлик ун беришини сўраган. Аслида даромад ҳисобидан олинган шунча сўмлик унни бош ҳисобчи «Дўстлик» дўкони мудири Н.Ҳиммат ов билан тил бириктириб...

Бу ҳақда А.Турдибоев тушунтириш хатида қуйидагиларни билдиради:

«Хўжаликнинг ишонч қоғозини қайд қилиш дафтарида рўйхатга олинмаган Н.Тоштемиров номига берилган 24-сонли ишонч қоғози асосида, дўкон мудири томонидан ёзилган юк хати бўйича 540 минг сўм ҳисобидан мен 150 минг сўм нақд пулни қўлимга олганман...»

Шунингдек, қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан халқ таълими бўлими, почта алоқа шуъбасида юз бераётган талон-тарожликлар ҳам ўз вақтида фош этилди.

«Ёмаган сомса»га ҳақ тўлатишнинг усуллари кўп экан. Нарпай туманининг бир хўжалигида бўлганимда, идорага иш ҳақларини талаб қилиб келган аёлларнинг суҳбати устидан чиқиб қолдим:

— Менинг номимга 54 килограмм узум кирим қилиб қўйилган. Тавба, боғдан бирон-бир ғўра олиб емаган бўлсак...

— Бизга ҳам қовун-тарвуз хатлаб қўйишган.

— Бизларга ҳам... Исботласанг, ёмон кўришади.

Уларнинг суҳбатини жимгина тингладим. Хўжалик аъзоларидан бири гарчи давлат режалари ошиғи билан бажаришган бўлишсада, ўтган йилни айтарли даромадсиз якунлашганларини афсус билан гапирарди...

Ҳаётимиз фаровонлиги, эртанги кунимиз далаларда етиштирилаётган мўл-кўл ҳосил чўғи билан белгиланади. Бу борадаги ютуқлар ана шу камсуқум деҳқонлар, бунёдкорлар меҳнати билан ўлчанади. Шундай экан, уларнинг меҳнатларини муносиб баҳолаб, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш шарт.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Бу борада Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиняпти, уларнинг ижросини таъминлаш изчил назорат қилиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрда қабул қилган «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам меҳнаткашлар манфаатини ифодаловчи ҳужжатлар қаторидан жой олди.

Яқинда туман прокуратураси мазкур қарор ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Текширув жараёнида аниқланишича, тумандаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг шу йил сентябрь ойи учун 325 минг сўмлик, октябрь ойи учун 537 минг сўмлик иш ҳақлари берилмаган. Бу масалада айбдор бўлган хўжалик раиси М.Раҳмонов қонунбузарликка йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди ва йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш хусусида туман прокурори томонидан унинг номига киритилди. Жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси С.Саиповга нисбатан эса Меҳнат кодексининг 161-моддаси талаблари қўпол равишда бузилганлиги учун маъмурий иш қўзғатилди. Прокуратура томонидан кўрилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида жамоа хўжалиги аъзоларига 857 минг сўмлик иш ҳақлари тўлалигича тарқатилди.

Бундан ташқари, текширувда тумандаги «Караката» жамоа хўжалигининг ҳам ишчи ва хизматчиларидан 2 млн. 800 минг сўмлик қарзи мавжудлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви натижасида ушбу миқдордаги иш ҳақи ўз эгаларига тарқатилди.

Бундай назорат текширувларини туманнинг барча жамоа хўжаликлари ва ташкилотларида ўтказишни режалаштирганмиз.

Муродулло ҚАҲҲОРОВ,
Конимех туман прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос

• *Тошкент вилоят прокуратурасида*

СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган маърузасида яхши ниятлар билан келаётган йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилишни таклиф қилди. Ҳақиқатдан ҳам, юртимиз келажаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яқинда Тошкент вилоят прокуратурасида ўтказилган мувофиқлаштирувчи кенгашда ҳам айни шу масалага жиддий эътибор қаратилди. Уни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномжонов бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича вилоят прокурори катта ёрдамчиси Эшпўлат Бегматовнинг таъкидлашича, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Бўстонлиқ, Бекобод туманлари, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳар прокуратуралари вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, шу жумладан, ота-оналарининг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни бўшаштириб юборганлар. Натижада мазкур шаҳар, туманларда баъзи ўсмирлар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар, ҳатто жиноятлар ҳам содир этилган.

Маърузачи айнан шу жойларда ўсмирлар томонидан содир этилган баъзи жиноятлардан мисоллар келтириб, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Бундай салбий ҳолатлар юқорида номлари қайд этилган ҳудудлардаги ҳокимликлар, ИИБ нозирлари, мактаб маъмуриятлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларнинг оқибати эканлиги таъкидланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда сўзга чиққан вилоят ИИБ жиноятларнинг олдини олиш бўлими бошлиғининг ўринбосари О.Сатимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.Тожиев, вилоят меҳнат бошқармаси бошлиғи Т.Холбоев, Пискент туман прокурори Қ.Сулаймонов, Зангиота туман суди судьяси А.Тожиева ва бошқалар туман ва шаҳарларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш чора -тадбирлари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

• *Ҳуқуқ ва ҳаёт*



ЎЗ ЮРТИНГНИ АЗИЗ БИЛ!..

Кўҳна Афина ибодатхонаси пештоқига еттита ўгит ёзилган бўлиб, улардан бири «Ўзингни англа!» деган ёзувдир. Агар инсон ўзини англаб етсагина теварак-атрофдаги борлиқни, юртни, Ватанини англайди. Зеро, қалбларимиз қачонки Ватан севгиси билан ёниб тўрса, шундагина биз унга дахлдор бўлган ҳар бир чўпу гиёҳни, буюмларни кўз қорачиғидек асраймиз, авайлаймиз. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига мана шундай олиш қийин, албатта. Амалий иш ҳам зарур. Айниқса, ҳуқуқ идоралари ходимларининг ҳушёрлиги, сергаклиги туфайли яхши натижаларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Ўтган вақт ичида вагон ойнасини синдириш, излар устига турли темир буюмлар қўйиш, йўл ускуналарини бузиш, белгиланмаган жойларда савдо-сотиқ билан шуғулланиш, ёхуд мол боқиш сингари ҳолатлар кузатилиб, бу ҳоллар вояга етмаганлар назорати томонидан қайд этилди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳодисалар ўта нохуш воқеаларга сабабчи бўлиши мумкин. Шу ўринда мисолларга мурожаат этайлик. Шу йилнинг 28 январида 163-разъезд — Шеробод бекати оралиғида ўйнаб юрган Ў.Йўлдошев шу яқин атрофдан топиб олган вагоннинг тормоз қўлида ўсмирлар ҳуқуқбузарлигига оид маълумотлар таҳлили йўқлиги маълум бўлди. Шунингдек, ёшлар билан ўтказилган суҳбатлар шунчаки қайд этилган, уларнинг мазмуни ва натижалари ҳақида маълумотлар берилмаган. Тузилган иш режаси юзаки, уларнинг қандай йўсинда бажарилаётгани ҳақида бирор жойда қайд этилмаган. Булардан кўринадики, А.Абдуназаров ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошиб келган. Нозирлардан В.Сафармуродов, О.Раҳимов, А.Саломов ва А.Каримовларнинг фаолиятида ҳам юқоридагидек хато-камчиликларни кузатиш мумкин. Улар ҳатто қандай ҳолларда вояга етмаганларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинлигини ҳам яхши билмайдилар.

Нозирларнинг ўз ишларига масъулиятсизлиги оқибатида вояга етмаганлар ўртасида ўлимга олиб келадиган жиноятлар сони кўпайиб бормоқда. Масалан, Узун туманида яшовчи, 1981 йилда туғилган А.Қобилов ҳамда қумқўрғонлик Ж.Шодмоновлар жиноятга қўл уриб ўз умрларига ўзлари зомин бўлганлар. Бу жиноятнинг асосий сабаби — уларнинг ва бошқа вояга етмаганларнинг назоратсизлигидир.

Президентимиз Ислом Каримов нутқларидан бирида «Аксарият жиноятлар маънавий қашшоқлик туфайли юз беради», деган эди. Демак, ҳар бир ота-она, тарбиячию муаллим, қисқаси соғлом фикрловчи ҳар бир фуқаро аввало, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлишларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Зеро, эртанги саодатли кунларимиз учун ёшларимиз билим ва иқтидор соҳиби бўлишдан ташқари, маънавий жиҳатдан юксалган бўлишлари жуда-жуда зарурдир.

Ўктам БЎРИЕВ,
Термиз шаҳар транспорт прокурори,
адлия маслаҳатчиси

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

• *Акс-садо*

Ҳурматли бош муҳаррир!

Биз Сурхондарё вилояти Музробот туман «Туркистон» жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ «Ҳуқуқ» газетасининг мухлислари ушбу мактубни йўллаяпмиз. Мактубни йўллашдан мақсадимиз «Ҳуқуқ» газетасида эълон қилинган «Корни тўқ раис» сарлавҳали мақолани ўқиб, биз қишлоқ аҳли мақола муаллифи — мухбир Қурбон Жўраназаровдан жуда миннатдор бўлганлигимизни билдиришдир. Чунки мақолада айни бизни қийнаб турган муаммолар ўз аксини топган. Ҳақиқатан ҳам, бу қишлоқнинг ташкил этилганига ярим асрга яқинлашаётган бўлса-да, ҳанузгача ичимлик суви, табиий газ келтирилмаган. Бу етмагандек, ҳафталаб электр чироқлари ўчиб қолади.

Биз «Туркистон» жамоа хўжалиги 12 минглик аҳолиси номидан, аввалambор, сиз раҳбарлик қилаётган «Ҳуқуқ» газетаси жамоасига, қолаверса, Қурбонбой Жўраназаровга ўхшаган ўткир қалам соҳибларига омад тилаймиз. Яна бир таклиф, ана шундай қишлоқ аҳолисини ҳимоя қиладиган зарурий, танқидий мақолаларни кўпроқ бериб борсаларингиз. Президентимиз фармонларида акс этган аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги муаммолар ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

«Туркистон» жамоа хўжалиги аҳли номидан
М.Рамазонова, Н.Курбонова ва бошқалар

• *Мададталаб мактуб*

ГАЗ ЯХШИМИ, ХЎРОЗҚАНД?

Ҳурматли таҳририят!

Халқимизда узоғидан суюнтирсин, деган гап бор. 1992 йили жамоа хўжалигимиз газлаштирилганлигидан жуда суюнган эдик, лекин хурсандчилигимиз кўпга бормади. Зангори оловдан бир йил рисоладагидек фойдаландик, холос. Шундан буён газчилар ёш болани хўрозқанд бериб алдагандек ёз ойларида номигагина газ беришади. Қолган пайтлар аёлларимиз қора қозонни қайнатиш учун кўли косов бўлиб ўчоқ бошида куймаланишади. Бунинг устига ёзда дала ишлари билан ўтин ҳам йиғолмай қоламиз. Қишда газ берилар деб кутиш билан йиллар ўтиб кетаяпти. Қиш ойларида болаларга жуда қийин. Совуқ кунлари болалар касал бўлишдан қўрқиб, мактабга ҳам боришмайди.

Бутун умримиз жамоа хўжалигида меҳнат қилиш билан ўтди. Наҳотки, қариган чоғимизда иссиқ уйларда ўтиришга ҳаққимиз йўқ бўлса?

Мухтор МУҲИДДИНОВ, уруш қатнашчиси,
Сангин МАҲМУДОВА, меҳнат фахрийси,
Мақсад ТУРДИЕВА, халқ маорифи аълочиси
Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, «Оқ олтин» жамоа хўжалиги

ОБУНА 2000 / ОБУНА 2000 / ОБУНА 2000 / ОБУНА 2000



«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекслари:

«Қонун ҳимоясида» – 231; 232.

«Ҳуқуқ» – 839; 840.

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа тармокларида обуна бўлиш мумкин.

НАШРЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

• *Курмаклар*

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛМАДИ

Сирдарёлик Х.Каримованинг 40 ёшини нишонлаш шарафига ўтказилаётган базм ярим тун бўлиб қолган бўлса-да давом этарди. Юбилярга билдирилган ширин-шакар тилаклардан кейин тўлдирилган қадаҳларни ҳеч ким қайтармасдан, охиригача кўтаришарди. Ширакайф даврадошларнинг вақти чоғ, бундай вақтда барчаси бир-бирига шунчалик яқин бўлиб кетишдики, шу топда бир-бирларидан ҳатто жонларини ҳам аямасди. Одатда, бундай кайфиятдаги одамлар «қаҳрамонлик» кўрсатишга мойил бўлади.

Меҳмонларнинг машинасига қараб турган юбилярнинг ўғли Зоҳид ва унинг қариндоши Қаҳрамон эса базмдан «бенасиб» қолганлари алам қилиб, кўчадан ўтиб кетаётган йўловчилардан аламини олиш пайида бўлишди. Зоҳид йўловчилардан қаердан келаётганлигини сўради. Ёш боланинг буйруқ оҳангидаги гапи йўловчиларга қаттиқ тегди. Улар ҳам саломга «муносиб» алик олдилар. Зоҳид уларни сўкишга тушиб кетди. Йўловчи йигитлар уларга яқинлашиб келиб «Кимсизлар, нега бизни суриштираяпсизлар?» деганида Зоҳид «Ҳозир кимлигимни сизларга кўрсатиб қўяман», деб ичкарига кириб кетди.

Зоҳидга эргашиб чиққан давангирлар ҳеч нарсани суриштирмай ўз ҳомийликларини намоён қилиш учун йўлда Қаҳрамон билан айтишиб турганларга ташланишди. Ўзларини кинолардаги «боевик»лардек ҳис қилиб юзинг, кўзинг демай дўппослашга тушиб кетган «қаҳрамон»лар ичида шу кўчада турувчи милиция лейтенанти Р.Қаюмовнинг борлиги жабрланувчиларда бу бало-қазолардан қутулишга умид уйғотди.

«Безорилик яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш баданга шикаст етказиш...
а) баданга ўртача оғир шикаст етказиш;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан;
..... беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
(ЖКнинг 227-моддасидан)

Лекин, афсуски, лейтенант ҳозир ўзини унутган, ширакайф аҳволда ўз қариндошини «зашита» қилишда давом этарди. Натижада йўловчилар З.Абдушукуровга ўртача оғирликдаги тан жароҳати, В.Жамолиддинов, Д.Акбанов ва А.Кимларнинг баданига енгил тан жароҳатлари етказилади. Кўп миқдордаги спиртли ичимликлар таъсирида «шер»га айланган милиция лейтенанти Р.Қаюмов бошчилигидаги муштумзўрлар бу қилмишлари билан ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «а», «б» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этдилар. Р.Қаюмов эрталаб туриб ўзига келгандан сўнг кечаги қилмишларини бир-бир мушоҳада қилиб кўрди ва ўта пушаймон бўлди... Кейин эса жавобгарликдан қутулиш йўлларини излай бошлади.

Терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган жабрланувчи К.Абдушукуровнинг кўрсатишича, 23 апрель куни эрталаб ўғлининг уйига борганида, ўғли калтак зарбидан оғир шикаст еб, ўрнидан туролмай ётган. Зафардан бўлган воқеани эшитгач, ўғлини касалхонага олиб боради ва ушбу воқеанинг бевосита иштирокчиси бўлган милиция ходими Р.Қаюмовга учрашиб, ўғлини бундай аҳволга солган безориларни топиб беришни талаб қилади.

Бундан қўрқиб кетган Р.Қаюмов К.Абдушукуровга 3-4 кундан кейин барча айбдорларни милиция бўлимига олиб келишини айтади. Милиция бўлимида қўли қичиган айбдорлар А.Расулов, Қ.Шомуродов, С.Элмуродовлар билан биргаликда Р.Қаюмов ҳам жабрланувчи З.Абдушукуровнинг ота-онасидан кечирим сўрайди. Шу тариқа барча жабрланувчилардан кечирим сўрашди. Лекин фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим бўлган милиция нозирининг бу қилмишини кечириб бўлмасди. Айбдорларнинг барчасига суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Фақат шунча ғавғонинг бошланишига, хурсандчиликнинг охири бахайр тугамаганлигига асосий сабабчилардан бири бўлган Х.Каримованинг эркатой ўғли З.Каримов вояга етмаган бўлганлиги сабабли амнистияга тушиб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ётқизилди.

Энди масаланинг бошқа бир томонига жиддий эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Ҳадиси шарифларда айтилишича, билиб қилинган гуноҳ энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Шу маънода шаҳарда вояга етмаганлар бўйича нозир бўлиб ишлаётган милиция лейтенанти Р.Қаюмовнинг куракда турмайдиган қилмишларини қандай баҳолаш мумкин?!

Милиция нозирики, бундай ғайриқонуний ҳаракатлар қилса, шаҳардаги ёшлар ундан андоза олмайди деб ким кафолат беради? «Халқ посбони» деган юксак номга доғ тушираётган бундай ходимларнинг гуруч орасидаги қурмакдек учраб турганлиги ўта ачинарли ҳолатдир.

Қадам ИНОЯТОВ,
Тошкент вилояти прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

ҲУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

77-72-25

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Кейинги пайтларда кўплаб газета ва журналларда жиноят тафсилотлари баён этилган мақолаларни ўқийман. Шахсан ўзим бундай мақолаларни жуда қизиқиб ўқийман. Чунки, ушбу материаллар фақатгина унда ҳикоя қилинган воқеа тафсилотлари билангина эмас, балки бу жиноятни очишдаги терговчининг ҳаракатлари, маҳорати ҳам ўқувчини ўзига тортади. Шу билан бирга, жиноят қилган шахс жиноят қилишгача қандай қиёфадаги одам эди-ю, ундан кейин қандай бўлганлиги, ўйламай босган қадам нималарга олиб келиши мумкинлиги очиб берилади.

Шу ўринда мени бир нарса қизиқтиради. У шундан иборатки, айрим газета(журнал)ларда айбланувчи, гумонланувчи, судланувчи сўзлари ишлатилади. Иложи бўлса бу сўзлар қачон ва кимларга нисбатан ишлатилиши тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз?

Саодат БАРАТОВА, Хоразм вилояти

Жиноят шу шахс томонидан содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса-да, аммо улар бу шахсни ушбу жиноятни содир этишда айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса бундай шахс гумон қилинувчи деб аталади.

Гувоҳларнинг, жабрланувчининг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, кинотасвир, фотосуратлар маълумотлар ёки бошқача айтганда, далиллар деб топилиши мумкин.

Ана шу маълумотлар жиноят айнан шу шахс томонидан содир этилганлигини кўрсатиб турса (ва уни инкор этиб бўлмаса) уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш тўғрисида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, бу шахс иш бўйича айбланувчи ҳисобланади. Ва бу дастлабки тергов ҳаракатлари тугатилиб иш судга оширилгунга қадар давом этади. Судда судланувчи, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.

Ҳарбий унвонга эга бўлган хизматчи бирон бир жиноят содир этган бўлсада, суд унга содир этган жинояти учун жазо белгилашда қўшимча жазо сифатида уни унвонидан ҳам маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқариш мумкинлиги маълум. Айтингчи, агар жиноят содир этган шахс ҳарбий хизматчи бўлиб, лекин у айни пайтда заҳирада бўлса, унга нисбатан унвонидан маҳрум этиш қўшимча жазоси қўлланилиши мумкинми? Ва у қандай амалга оширилади?

З.КОМИЛЖОНОВ,
ТошДУ талабаси

Жиноят кодекси талабига кўра, ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан у мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Заҳирадаги ҳарбий хизматчига нисбатан чиқарилган ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади. Унвон берган органнинг мансабдор шахси ҳукм чиқарилган шахсни (маҳкумни) унвондан маҳрум қилиш тўғрисида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда имтиёзларни тугатиш чораларини кўради. Унинг ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида хабар қилинади.

Ҳеч қаерда ишламаган ва иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга лаёқатсиз шахсларга нафақа тўланадими?

Г.ШАРИПОВА, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамда Оила кодексига кўра уларни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бўлмаган фуқароларга нафақа тайинланиши ва тўланиши кўрсатиб ўтилган.

Ёш бўйича нафақа уларни боқишга мажбур бўлган қариндошлари бўлмаган 65 ёшга тўлган эркакларга ва 60 ёшга тўлган аёлларга тайинланади. Лекин ижтимоий таъминот органи текширув ўтказганда нафақа сўраб мурожаат этган шахснинг қариндошлари борлиги аниқланса, аммо улар моддий ночорлиги сабабли кекса қариндошларига моддий ёрдам кўрсата олмайдиган бўлса, нафақа тайинланиши мумкин.

Ногиронлик бўйича нафақа ногиронлик содир бўлган ҳолларда, яъни меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганда, фақат 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига тайинланади. (Ишлаб турган ёки яшашнинг бошқа манбаларига эга бўлган 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига нафақа тайинланмайди). Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларн нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мен учинчи гуруҳ ногиронийман. Лекин шу йилнинг сентябр ойида ТМЭКдан қайта кўрикдан ўтишим лозим эди. Бу муддат эсимдан чиқиб кетибди. Октябр ойида эса менга пенсия пули чиқмади. Суриштирғандим, шу юқоридаги сабабни кўрсатишди. Кейин ТМЭКдан яна қайта кўрикдан ўтиб келдим. Шундан сўнг, ноябр ойидан пенсия тўлана бошлади. Лекин буни қайси ой учун тўланаётганлигини улардан сўрасам, ноябрь ойи учун деб айтишди. Октябрга тўланмайдими десам, улар «йўқ» дейишди. Шу тўғрими?

Салима МАТКАРИМОВА, Шовот тумани

Узрсиз сабабларга кўра ногирон ТМЭК кўригидан ўтиш учун бормаган бўлса, унга нафақа тўлаш тўхтатиб қўйилади. Агар у яна ногирон деб топилса, тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб нафақа тўлаш давом эттирилади.

Қайта кўрикдан ўтиш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, нафақа тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин ўтган уч йил учун давом эттирилади.

Ногирон қайта кўрикдан ўтказиш пайтида ногиронликнинг бошқа гуруҳига ўтказилган бўлса, нафақа юқорида кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Мен олдин ички ишлар органлари сафида хизмат қилганман. Лекин 1996 йили касалликка чалиниб, ногирон бўлиб қолдим ва бу ишдан кетиш учун асосий сабаб бўлди. Шундан кейин бошқа жойдан соғлигимга тўғри келадиган иш қидиришга тўғри келди. Лойиқ иш тополмадим. Ўз шахсий ишимни йўлга қўйдим. Бундан ташқари асаларичилик ҳам қилмоқдаман.

Ана шу тадбиркорлик фаолиятимдан олган даромад учун солиқ тўлашда менга собиқ ички ишлар органи ходими ва II гуруҳ ногирони сифатида бирон бир имтиёз борми?

Собит ТЎРАЕВ,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани

Имтиёз берилади, лекин бу собиқ ички ишлар ходими бўлганлигингиз учун эмас. Агар сиз ички ишлар сафида хизмат қилаётган пайтда касалланишни назарда тутаётган бўлсангиз, буни имтиёз беришга асос қилиб олиш учун ногирон бўлиб қолиш хизмат вазифаларини бажариш чоғида келиб чиққан бўлишлиги керак. Шундай бўлган тақдирда даромад солиғидан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқ тўлашдан озод қилинасиз. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам сиз умумий асосларда II гуруҳ ногирони сифатида юқорида айтиб ўтилган миқдорда солиқдан озод қилинасиз.

Шу билан бирга асаларичилик маҳсулотларн етиштириб сотишдан олган даромадингизга умуман солиқ солинмайди.

ЖАВОБЛАРНИ ДОНИЁР ХАЛИЛОВ ТАЙЁРЛАДИ

• *Таассуф*

16 февраль. Бу санани эшитганимиз ҳамон кўз олдимизда 1999 йил февралида Тошкентда содир этилган даҳшатли портлашлар, бегуноҳ қурбон бўлган одамларнинг сиймолари намоён бўлаверади. Бу мустақиллигимизни, тинчлигимизни, халқимиз эришаётган ютуқларни кўролмайдиган тубан кимсаларнинг иши эди. Февраль вокеалари террорчиларнинг жирканч башарасини яна бир бор ошкор этди. Ўша пайтда олдимизга қўйган асосий бурчимиз - вокеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш эди.

БОШИ БЕРК КЎЧА

Ўша кезларда деярли барча нашрларда нотўғри йўлларга кириб қолган ёшлар ҳақидаги мавзу илгари сурилар эди. Гоҳида бу мақолалар инсонда ўша ёшларга нисбатан очиниш туйғусини уйғотар, гоҳида эса... Ҳозирга келиб бу мавзудаги мақолалар онда-сонда чоп этиладиган бўлиб қолди. Ҳа, мавзуни кўтарганлар кам, лекин бу йўлга кирган ёки кираётган ёшлар сони камайдимикан?..

Абдурашид ҳам дин деса «ҳизбут таҳрир»ни тушунадиган ёшлардан. У эндигина 28 баҳорни қоралаганига қарамай, илгари судланиб, 2 йил қамоқ жазосини ўтаб улгурди.

Абдурашид ёшлигида ўзининг яхши хулқи ва одоби билан кўпчилик тенгдошларидан ажралиб турарди. Мактабда ҳам ёмон ўқимади. Лекин мактабни битириб на ўқишга киришнинг ва на ишга жойлашишнинг ҳаракатини қилди. Бекорчиликдан уч-тўрт дўстлар орттириб, ичкиликка ружу қўйди. Гоҳида эса «улфатлар» билан гиёванд моддалар истеъмол қиладиган одат чиқарди. Унга ота-онанинг насиҳатлари-ю, ака-укаларининг дашномлари ҳам ҳеч таъсир қилмасди. Охири оила аъзолари маслаҳатлашиб, «балки оилали бўлса маъсулиятни бўйнига олиб, бу улфатлардан ажралиб, ишга кириб ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилар» деган ниятда уйлантириб қўйишди. Аммо бу уринишларнинг фойдаси бўлмади. «Эски касали» тутиб оиласини ҳам алдашни бошлади. Кўп ўтмай эса ичиш ва чекишни ташлаб, дин йўлига ўтди. Олдинига ҳамма хурсанд бўлиб «Худога шукур, энди эси кирибди», дея таскин топишди. Афсуски, кейинчалик «дин» деб номланган бу ниқоб секин-аста ўз пардасини сидира бошлади. У энди 2-3 кунлаб йўқ бўлиб кетадиган бўлди. «Тиқ» этса эшикка қараб тонглар оттирган онаизор энди бир вақтлар келинига айтган «эркак-кўчаники, ёшлигида ўйнасин-кулсин», деган гаплари учун пушаймон бўлиб ўтирибди.

Кўршапалак мисол ақидапараст тўда пана-панада тўпланиб ўзларининг қабиҳ ниятларини режалаштиришарди. Даъватлар қилиб ёшларни ўзларининг йўлларига киритишга ҳаракат қилишарди. «Ҳизбут-таҳрир» китобларини чоп этишарди. «Қўлга тушмас қасоскорман», деб кўкрагига уриб «ўйнаб» юрган Абдурашид «сомонхонага» етиб келганлигини ўзи ҳам билмай қолди. Чиноз бозорининг қоқ ўртасида «хизмат»лари учун қўлига кишан солинди. Ёнидан ва уйидан топилган 55 дона «ҳизбут таҳрир» диний экстремистик оқимга тааллуқли варақалар уни иккинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур этди. Ҳеч вақт ўтмай, гуруҳнинг олти аъзоси ҳам курсининг қолган жойларини тўлдирдилар.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Нега ота-оналар фарзандларини бу йўлдан авалроқ қайтаришмади? Бепарво бўлишди? Лаънат-дашномлар дастлаб уларнинг гарданига тушади-ку.

Ҳукм ўқилиб, жиноятчилар учун жазо муддати тайинлангач, кўз-ёш қиладилар. «Оппоқ» болаларини шайтон йўлдан оздирганини пеш қилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларидан ўринсиз нолийдилар. Айбларини тан олгилари келмайди. Бунинг ўрнига фарзандлари қаерда ким билан, нима ишлар қилиб юрганлигини вақтида сўраб-суриштирганларида бугунгидек эл-юрт олдида юзлари шувут бўлиб ўтирмас эдилар. Энди кеч. Билиб туриб босилган тиқиннинг захри узоқ муддатлар битмайдиган бўлди.

Ҳа, террор йўли - боши берк йўл. Азоб-уқубат йўли. Бу йўлдан борганлар бахтсизликдан бошқа ҳеч нарсага эришмайдилар. Улар жазоларини бу дунёда ҳам, охиратда ҳам олишларига аминмиз!

Б.ОТАЖОНОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг ёрдамчиси

• *Луқма*

ҒАЛАТИ «КАСАЛЛИК»

8-трамвай «Дарвоза» бекатидан ўтиб, 1- шаҳар шифохонасига етмай тўхтади. Эрталабки соат 8 эмасми, трамвай йўловчилар билан лиқ тўлган.

Ёнимда кетаётган икки дугонанинг бири «уф» тортиб:

— Яна «16» олдимизга тушиб олди, ишқилиб, тезроқ юраколсин-да, дея нолиб қолди.

— Нимасини айтасиз, куни кеча трамвайнинг касофати туфайли ишга кеч қолиб, бошликдан танбеҳ эшитдим, — деди иккинчи жувон.

Олдиндаги трамвай «ҳа» деганда юравермади. Ўрта ўриндиқда ўтирган мўйсафид чол ҳайдовчига:

— Болам, бизнинг йўриғимиз бошқа, аммо ишга, ўқишга борадиганлар кеч қолишяпти. Бориб ҳайдовчига айтинг, юраколсин, — деди-ю, балога қолди.

— Мен сизга бўзчининг мокисиманми, ҳар бекатда унга бориб, қачон юрасан, дегани. Бизда ҳам «график» бор, ота. Буёғини ҳам ўйлаш керак. Шошаётганлар бўлса, марҳамат, таксида кетаверсин, — дея ўдағайлаб берди.

Бу муомиладан йўловчиларнинг дили хуфтон бўлиб, астойдил безовта бўла бошладилар. Кимдир пастга тушди, яна кимдир қайтиб чиқди. Орадан роса ўн бир дақиқа ўтиб, «16» тошбақадек имиллаб жойидан қўзғалди. Унинг ортидан тўпланиб қолган бошқа трамвайлар ҳам турнақатор бўлиб йўлга тушди.Олдиндаги трамвай ҳар бекатда уч - тўрт дақиқа тўхтаб, йўловчи йиғиб борарди. Назаримда, ҳайдовчиларнинг ўзаро ўчакишуви йўловчилар учун қимматга тушаётганини улар ҳатто хаёлларига ҳам келтирмасди.

Дугоналардан бири яна гап бошлади:

— Яқинда бир воқеа бўлиб, жуда хижолат бўлдим. Идорамизга иш юзасидан чет эллик ҳамкасбимиз келган эди. Бўш вақт топиб, шаҳарни айлантирдим. Меҳмон кўчаларни, гўзал хиёбонларни, янги қурилаётган иншоотларни кўриб, кувончини яширмади. Суҳбат орасида у «Сизлар вақтнинг қадрига етмас экансизлар. Кунингиз транспорт кутиш билан ўтар экан», деб қолди...

Бу эътироз ўйлаб кўрсам, ҳақ гапга ўхшайди. Дарҳақиқат, ҳайдовчиларнинг хотиржамлиги туфайли трамвайда кетаётган юздан ортиқ йўловчининг ҳар бири манзилига етиб олгунча, йўл ҳақидан ташқари 15-20 дақиқадан вақт йўқотиши турган гап. Бунинг устига асаблар бузилишини айтмайсизми.

— Кечқурун ҳам шу аҳвол, — деб суҳбатни давом эттирди иккинчи аёл. — Бекатларда ярим соатлаб транспорт кутишга тўғри келади. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида қийин. Шуниси қизиққи, бир пайт олдинма-кетин қаторлашиб келиб қолишади. Кейин яна кута-кут. Ҳар бир ҳайдовчининг қўлида йўл варақаси, ҳаракат жадвали бор. Нега улар қоидага риоя этишмайди? Ёки уларнинг назорат қилинмаслиги бунга сабабми?

Умид қиламизки, «Тошшаҳарйўловчитранс» раҳбарияти, шаҳар транспорт ҳаракатидаги бундай ғалати «касаллик»лар сабабини аниқлаб, тегишли чора-тадбир белгилайдилар.

Навруза ЛУТФУЛЛАЕВА



Шу кунларни соғиндик

• *Божхона сарҳадларида*

Эндигина 23 баҳорни қаршилаган Ў.Қўчқоров Данғара туманининг Абдусамат қишлоғида яшаб келарди. Унга ётса-турса ҳам меҳнат қилиб эмас, ўзимизда сероб бўлган гуруҳдан олиб, тожикистонликларга пуллаш фикри тинчлик бермай қўйди. Шундай қилди ҳам.

У божхоначилар эътибор бермаса керак, деган ўй-хаёлда эшак аравага баҳоси 90 минг сўм бўлган 450 кг. гуручни юклаб, қўшни республикага олиб ўтаётганда вилоят божхона бошқармасининг «Оқжар» божхона маскани ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бу қилмиши учун Ўринбой энди туман-судида жавоб беради.

***

Кейинги пайтда айрим фуқаролар томонидан ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини қонунга хилоф равишда мамлакатимиздан олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари қайд этилиб, божхоначилар томонидан тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

Олтиариқ туманида яшовчи Ғайрат исмли фуқаро ўзига қарашли бўлган ВАЗ-2103 русумли автомобилда 6 та идишга тўлдирилган 200 литр дизел ёқилғисини Қирғизистон Республикасига олиб ўтишга уринаётган вақтда божхоначилар томонидан ушланди ва бу билан яна бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатнинг олди олинди.

***

Олтиариқлик яна икки фуқаро — А.Топволдиев ва С.Маматовлар эса қирғизистонлик биродарларини ун билан сийлаб, шу йўл билан дурустгина пул ишлаб олмоқчи бўлишди. Аммо, яна божхоначилар...

Икки ғойни «Волга» ГАЗ-21 русумли автомашинага 570 кг. тегирмон унини жойлаб, Олтиариқ туманининг дашт қисмидан Қирғизистонга ўтувчи йўлдан қўшни мамлакатга кетаётган дамда Давлат автомобиль назорати ходимлари ҳамда божхоначилар томонидан тўхтатилдилар. Айни вақтда ушбу иш юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

***

«Ўзбекистон» туманида яшовчи Л.Аҳмедов ва Э.Йўлдошевлар ҳам божхоначилар билан «му - шук-сичқон» ўйнашга жазм қилишиб, айланма йўллар орқали қайдасан Қирғизистон, дея йўлга тушадилар.

Бу гал ҳам божхоначиларнинг ҳушёрлиги қўл келди. Лазизнинг Москвич-412 русумли машинаси тўхтатиб текширилганда ноқонуний равишда олиб кетаётган 200 кг. ерёнғоқ борлиги аниқланди.

Эркин ҳам ўзининг шу русумдаги автомашинасида баҳоси 40 минг сўм бўлган 400 кг. ерёнғоқ олиб кетаётган экан.

Шу куннинг ўзида ҳар иккала ҳуқуқбузарга тегишли ҳужжатлар мазмунан кўриш учун Риштон туман судига юборилди.

З.ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона вилояти божхона бошқармаси инспектори

• *Хабарлар*

«АДОЛАТ КЎЗГУСИ» ЭФИРДА

Яқинда Қорақалпоғистон республикаси прокуратураси ва «Адам ҳем Нызам» («Инсон ва Қонун») газетасининг таҳририяти қошида «Эдиллик айнаси» («Адолат кўзгуси») телекўрсатуви ташкиллаштирилиб, унинг бир қанча сонлари эфирга узатилди. Кўрсатув мавзуси асосан республика ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари хизматидаги янгиликлар, соҳа фаолиятидаги ўзгаришлардан иборат. Шунингдек, телекўрсатувда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг чиқишларига ҳам кенг ўрин берилмоқда.

Кўрсатувнинг асосий мақсади — ҳар қандай қонунбузилиш ҳолларига чек қўйиш, адолат, ҳақиқатни қарор топтиришга кўмаклашишдир.

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Яқинда «Билим» нашриёти томонидан А.Давлетовнинг «Прокурорский надзор», («Прокурор назорати») китоби 1000 нусхада, рус тилида чоп этилди.

Китоб олий ўқув юртларида таълим олаётган бўлажак ҳуқуқшунос кадрларнинг билимини оширишда муҳим қўлланма бўлиб қолади.

Қўлланма муаллифи А.Давлетов 1965-1983 йиллар оралиғида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимида ишлаган. Ҳозирга кунда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг касб маҳоратини ошириш марказининг бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда.

Норбой ТЎРАБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

• *Халқ мулки ишончли қўлларда*

ЭНГ МУҲИМИ КАФОЛАТ БОР

Кечанинг тинч-осойишта, кундузнинг эса фаровонлик билан кечиши аввало ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳушёрлигига боғлиқ. Улар сергаклик билан халқ хизматига бел боғлар экан, шаксизки, ишда унум, меҳнатида барака бўлади. Буни англаган бўлимимиз ходимлари давлат ва фуқаролар мулкини, халқ бойлигини талон-тарож қилиш ва ўғирликларга қарши кураш борасида самарали меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, вилоятимиз бўйича бир қанча халқ хўжалиги иншоотларини доимий кўриқлашни таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Барча кўриқланадиган масканларни тегишли чақириқ ускунаси билан жиҳозлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Қўриқлаш бўлими ходимлари ўзларига топширилган масканларни назорат қилиш баробарида жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлашга ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Ишимизни янада такомиллаштириш мақсадида «Тозалаш», «Тун», «Арсенал», «Қора дори» каби қатор тадбирларни мунтазам ўтказиб, турли жиноятларнинг фош этилишида фаол иштирок этмоқдамиз. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бўлимимиз ходимлари бир неча ўн жиноятчини фош қилдилар. 240081 сўмлик товар моддий бойликлар давлатга қайтарилди.

Қўриқлашда махсус ўргатилган итлар хизматидан фойдаланишни яхши йўлга қўйганмиз. Баъзан зийрак ва топқир итларимиз кўмагида бошқа турдаги жиноятлар ҳам очилмоқда. Масалан, шу йилнинг 8 февраль куни олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида Гурлан тумани А.Чўлпон кўчаси 11-уйда яшаб келган Ғ.Шукуруллаев Туркманистон Республикасидан «Тозабозор» бозҳона маскани орқали вилоятимизга ўтаётганда унинг ҳаракатлари ходимларимизда шубҳа уйғотган. Ўргатилган итнинг хизмати туфайли унинг ёнида 940 грамм марихуанна гиёвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Шу ўринда бир муаммо хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Биз барча хўжалик, корхона, ташкилот ва идоралар билан шартнома асосида иш олиб боролмаяпмиз. Бунга айрим мутасадди раҳбарларнинг давлат мулкига бефарқ муносабатда бўлаётганлиги сабаб бўлмоқда. Айрим йирик ташкилотлар қўриқлаш лозим бўлган масканларни ИИБ бўлими хизматидан фойдаланиш ўрнига, етарли тажрибага эга бўлмаган шахсларга топшириб қўйганлар. Жумладан, Урганч нефть базаси, «Хонқа гуруч» корхонаси, «Даритал» қўшма корхонаси ва бошқа айрим ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг бехатар ишлашини таъминлаш хусусида жиддий ўйлаб кўрмаяптилар. Сир эмаски, улар томонидан тайинланган фуқаролар соқчилик қонун-қоидаларини етарли даражада билмайдилар. Керакли қўриқлаш қуроллари хусусида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, қўриқлаш бўлими хизматидан шартнома асосида фойдаланганлар асло ютқазмайди. Зеро, биз мулкнинг қўриқланиши ва осойишталикнинг таъминланишини кафолатлаймиз.

Р.САЛАРОВ,
Хоразм вилояти ИИБ қўриқлаш бўлими катта инспектори, милиция полковниги

• *Ўйламай босилган қадам...*

ОЖИЗЛИК

Ногирон ожиз эмас, ногирон нотавон эмас, ўз ҳирсини енга олмаган ожизу нотавондир.

«Мен жиноят иши билан таништим чиқдим. Н.нинг қизлик иффати бузилмаганлигини, 4 нафар гўдак болам борлигини ҳисобга олиб, енгиллик беринглар. Қилмишимдан қаттиқ пушаймонман».

Сен-ку пушаймонсан, аммо табиат қисиб қўйган қиз ва унинг ота-онасига етказган руҳий азобни не йўл билан фориғ қиласан?

***

Хотинининг ой-куни яқин эди. Зерикди. Кўнглини ёзгиси келган Олимбой ҳамкишлоғиникига ҳашарга жўнади. Шифтга фанер қоқишди. Карнизга тунука ўрнатиш керак эди.

— Оғайни, буни кесмаса бўлмайди.

— Темир қайчи йўқми?

— Шу савил йўқ-да...

— Мен топиб келаман, — деди Олимбой ва велосипедини етаклаб, кўчага чиқди. Ғизиллатиб ҳайдади. Устаникига келди. Эшикни ўн беш, ўн олти ёшлар чамасидаги қиз очди.

— Наззи, отанг қаерда?

Қиз бошини чайқади.

— Онанг-чи?

У «билмайман», дегандек яна бош чайқади.

— Уйда бир ўзингми?

Қиз тасдиқ ишорасини қилиб бошини қимирлатди.

— Менга қайчи керак, темир қайчини биласанми? — Олимбой шундай дея бармоқларини «қайчи» қилиб кўрсатди.

Қизча имлаб уни устахонага бошлади. Қайчи турган жойни кўрсатди. Ҳовлида ҳеч ким йўқлиги, қизчанинг навниҳол қомати унинг хаёлини бузди.

— Қани қайчи?

— А... а... а!

У қизни қучоқлаган кўйи кўкракларини сиқа бошлади. Шу пайт ташқарида кимдир гапиргандай бўлди. Устахонадан шошилиб чиқаётган Олимбой қизнинг онасига рўпара келиб қолди.

— Ҳа, нима қилиб юрибсиз?

— Темир кесадиган қайчи керак бўлиб қолувди. Ишлатиб бўлгач, келтириб бераман.

Ҳашарчилар тушликни тугатиб, эндигина иш бошлаймиз деб турганларида бир аёл ваҳоҳат билан кириб келди.

— Олимбой шу ердами?

— Ҳа.

— Ергина ютгур нималар қилиб келдинг? Қани, бу ёққа юр-чи!

Бирга чиқиб кетишди. Аёлнинг йўл бўйи жағи тинмади.

— Янга, янгажон, энди...

— Янга деган тилинг кесилсин!

Устаникига келишди.

Қиз йиғлаган куйи Олимбойнинг қилмишини дудуқлана-дудуқлана сўзлаб берди.

— Янга мени кечиринг, билмасдан бу ишни қилиб қўйибман.

— Айбинг бўлмаса, қонун кечиради!

Олимбойни қонун кечирмади. У ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисмининг «а» банди билан айбдор деб топилиб, суд ҳукмига кўра 7 йил озодликдан маҳрум қилинди.

Р.ОЙМАМАТОВ,
Қарши махсус прокуратураси терговчиси.
Д.МАЪДИЕВ

• *Биласизми?*



ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИНИНГ *соҳиби кил?*

Нью-Йорк кўрфазида қад ростлаб турган Озодлик ҳайкали АҚШ ҳукуматига тегишлидир. У 1924 йилда умуммиллий ёдгорликка айланди. Уни АҚШ Ички ишлар вазирлигининг Миллий Парклар хизмати кўриқлайди.

Ҳайкал ғояси 1865 йилда француз тарихчиси Эдуард де Лаболей томонидан таклиф этилганди. У французларнинг Америка мустақиллиги ёдгорлиги ва икки мамлакат ўртасидаги дўстлик рамзи сифатидаги туҳфаси бўлиши кўзланган эди.

Ҳайкал яратишга пул тўплаш учун француз-америка жамияти ташкил этилганди. Ҳайкал 1885 йили Францияда яратилган ва 214 рейсда қисм-қисм ҳолида Қўшма Штатларга жўнатилган эди.

Америкада ҳайкал шоҳсупасини қуриш учун маблағ йиғиш бўйича кўмита ташкил этилди. Аммо шоҳсупа қурилиши бўйича ишларни 1884 йилда якунлашга тўғри келди, чунки етарли миқдорда пул тўплашга муяссар бўлинмади. Ҳайкал Нью-Йоркка олиб келинганидан кейин бир ой ўтгач, қурилишга пул йиғишга эришилди ва иш адоғига етказилди. Ҳайкал 1886 йил 28 октябрда президент Гровер Кливленд томонидан очилган эди.

Нью-Йорк кўрфазидаги Озодлик оролида қад ростлаб турган Озодлик ҳайкалига Манхеттендан паромда,қайиқда етиб бориш мумкин. Бинобарин, ҳар йили юз минглаб одамлар уни томоша қилишга келишади.

• *Криминал*

ШИФОКОРЛАРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Кейинги пайтда Россияда чақирувга кўра беморларни кўриш учун келган шифокорларга ҳужум қилиш ҳоллари учрамоқда.

Москванинг Ярославль кўчасидаги уйда яшовчи бир аёл «тез ёрдам» чақиради. Бу вақтда унинг гиёвандликка мубтало бўлган 33 ёшли қизи меҳмон бўлиб келган эди. Чақирувга кўра 20-шаҳар касалхонасидан шифокор Р. Аббясова «тез ёрдам» бригадаси билан бу ерда ҳозир бўлади.

Гиёванд модда таъсирида «кайф» ҳолатида бўлган уй соҳибасининг қизи шифокордан наркотик дори беришни талаб қилади. Шифокор бундай дорини бермаганидан ғазабланган аёл уни пичоқлаб ташлаган.

Жароҳатланган шифокор касалхонага келтирилди, гиёванд қиз эса ушланди.

• *Воқеи ҳақиқий*

ИККИ ВАҲШИЙНИНГ ҚИЛМИШИ

Бу даҳшатли жиноят тарихини менга вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Шавкат Бобоёров айтиб берганди.
— Одам боласи шундай ваҳшийликларни қилишига ишонмайсан киши, — деди Шавкат ака қалин жилдли «дело»ни менга узатаркан. — Мана бу ўша йигитнинг расми. Буниси эса севган қизи. Энди, тўйлари бўлиши керак эди...
Суратларни қўлимга оламан. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги чиройли қиз ва кўзларида меҳр-муҳаббат акс этган хушсуврат йигит боқиб турарди. Йигитнинг лабларида хиёл табассум, нигоҳлари чақноқ. Унинг кўзларига қарайман. Қарайману, томоғимни нимадир куйдиргандай бўлади. Бундан бир неча кун илгари Муборакка борганимда Муборак туманлараро прокурорининг ўринбосари Шерали Ашуров бу жиноятни очиш учун канчалар заҳмат чекканларини айтиб берганини эслайман.
Шавкат аканинг хонасидан чиқарканман, у киши айтган воқеалар хаёлимда бирма-бир чарх урарди. Ишхонамга келиб, Ш.Бобоёров сўзлаб берган бу жиноят тафсилотини қоғозга туширишга уриндим.

***

— Мубор, нега индамайсан, хўпми, а?

— Билмасам, ихтиёр уйдагиларда.

— Иккимиз бирга яшасак, қандай бахт-а?! Севинчдан юрагим ёрилиб кетай, деяпти!

Қизнинг юзлари ловлов ёниб, йигитнинг чўғдай кафтлари орасидан қўлини оҳиста тортиб олди. Сўнгра ишқ ўтида ўртанаётган йигитга қараб жўртага эрмак қилгандек жилмайди. Унинг қалдирғоч қанотидай қошларию, оҳуларникидай ҳуркак боқишлари, атлас кўйлакда яшнаб турган сарв қомати йигитнинг кўксидаги чўғни бадтар аланглатарди.

— Мени бунча қийнама, Мубор...

— Ажаб қиламан...

Қиз бир оҳу қараш қилди-ю, кўм-кўк майсалар қоплаган ёлғизоёқ йўлдан кета бошлади. Йигит ҳайкалдай қотиб, унинг ортидан унсиз қараб қолди. Кейин кўзларини юмиб, ширин хаёлларга толди. «Анваржон, болам, қачон уйланасан, кўз остинга олган бирортаси бўлса, айт, борайлик», дея уни ҳол-жонига қўймаётган ота-онасини бу «сир»дан воқиф қилгиси келди.

***

Людмила болалар уйида тарбиячи бўлиб ишларди.

У жудаям гўзал эди. Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги бу сулув аёл бир кун қотил қўлида ҳалок бўлишини билмасди ҳали.

Ўша оқшом саратон қуёши қонталаш бошини қоп-қора тоғлар ортига яширгач, атрофга осойишталик чўкди. Негадир Людмиланинг кўнгли ғаш эди. Қаҳва дамлаб ичди. Барибир нохуш кайфиятдан қутула олмади. Юраги безовта бўлиб тун ярмигача кўзига уйқу инмади. Бирдан эшик тақиллади. Аёл тунги кўйлагига ўралганча эшикка яқинлашиб сўради:

— Ким у?

— Бу мен, Камолман. Зарур ишим бор эди.

Людмила ташқаридаги киши Камол эканлигини билгач, ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай эшикни очди. У Камолни яхши танирди. Бундан тўрт-беш йил илгари мактабда уларга дарс берганди. Камол маст эди. Аёл уни уйига киритганидан пушаймон бўлди. Аммо энди кеч эди.

— Кутилмаган меҳмон бўлиб келдик, — деди Камол ичкарига ўтаркан. — Ўқитувчимни соғиниб, бир кўрай девдим-да...

— Бемаҳал келибсан. Ишинг бўлса эртага кел.

Камолнинг қалбида ёвуз ният уйғонди: «Ҳа, жонидан, сен офатижон билан бир кеча бўлсам, деб қачондан буён орзу қиламан. Ҳатто мактабда ҳам олтин сочларинг-у, сарв қоматингга суқланиб ўтирардим. Ахийри, бу кеча ниятимга етаман...»

Камол ўрнидан ирғиб турди-да, унинг белидан маҳкам қучиб, дудоғидан, елкаларидан ўпа бошлади. Аёл силтаниб, қаршилик кўрсатди. Бақирмоқчи бўлганди, Камол қўллари билан унинг оғзини ёпиб, тўшакка судради...

Эрталаб қўшнилар қонли тўшакда Людмиланинг пичоқланган жасадини кўришди.

Камол эса ўн беш йилга қамалиб кетди. Бу воқеа ўн икки йил илгари содир бўлган эди.

***

Акром сутдай оппоқ «Дамас»га бир зум суқ билан қараб турди-да, унинг у ёқ-бу ёғини айланиб кўра бошлади. Негадир автомашинани сотган кишининг хатти-ҳаракатлари унда шубҳа уйғотгандай бўлса-да, автомашинани арзон-гаровга сотиб олганидан севинчи ичига сиғмасди.

«Дамас»ни сотган одам навоийлик экан. Ёнидаги шериги машина савдосига деярли аралашмади.

Қаттиқ севинган ёмон, дейишади. Акром ҳам арзонга машина олдим, деб севинганига пушаймон бўлди. У ҳайдовчи ўтирадиган ўриндиқ остига қаради-ю, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Жон ҳолатда акасини чақирди:

— Икром ака, қаранг, қон. Одам қонига ўхшайди...

— Бундан жиноятнинг ҳиди келаяпти, — деди Икром ўкаси кўрсатган қонга кўзи тушгач. — Милицияга хабар бериш керак.

— Бошимга бир балони сотиб олдикми, дейман, — Акром афсусланиб, «уҳ» тортди.

Воқеадан хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан дарҳол тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилди. Навоий вилоятидан олинган маълумотга қараганда, автомашина эгаси бутунлай бошқа одам экан. Маълум бўлишича, шу автомашинада йўловчи ташиб, киракашлик қиладиган Анвар Жўраев бир кун олдин иккита мижозини миндириб, номаълум томонга кетган. Хўш, Анвар ҳозир қаерда? Автомашинани сотган бу икки йигит ким?

Бу саволларга зудлик билан жавоб топиш зарур эди.

***

— Ука, Сурхондарёга бормоқчийдик, кира ҳақига гап йўқ. Айтганингизни оласиз.

Анвар икки нотаниш йўловчининг таклифига кўнишдан олдин бир зум ўйланиб қолди. Борай деса, йўл олис, анча вақт кетади. Бунинг устига бугун Муборни кўрмоқчи эди. Бормай деса, тайёр «клиент»ларни қўлдан чиқариш...

У бир-икки дақиқа ўйланиб турди-да, йўловчиларга «чиқинглар», дегандек имо қилди. Йўловчилардан бири олдинги, иккинчиси орқа ўриндиққа ўтириб олишди.

— Қани, кетдик. Музлат ҳам мавжудлигидан бехабар кетаётган эзгуликка кафан бичиш билан андармон.

— Қорин оғриб қолдику, оғайни, — деб қолди йўловчилардан бири. — Бирпас тўхтайлик.

Машина йўл четида тўхтади. Икки шарпа йўл четидаги бетон қувурдан ҳатлаб ўтиб, қоронғулик бағрига сингиди. Шу лаҳза бир бегуноҳ инсон қисматига чек қўйишга фатво ўқилди. Бу разил режадан воқиф юлдузлар икки ёвузнинг бошига тош кани варанглатиб қўйинг, шўхроғидан, — деди новча бўйлиси тилла тишларини ялтиратиб.

Улар йўлга тушдилар. Бу маҳалда қуёш уфқ ортига ўтишга чоғланарди. Автомашина ичидаги магнитафондан хонанданинг ҳазин овози янграйди:

«Дўстлар, ҳеч ким менингдек ўз ёридан айрилмасун».

Зарафшоннинг иссиқ шамоллари автомашинанинг ғилдиракларига осилиб йиғлаётгандай, «Айрилмасун, айрилмасун», дея бўзлаётгандай. Аммо, бешафқат тақдир ҳукми ёш йигитни ўз измига олган, ажал фариштаси соҳибжамол қиздай оғушини очиб, уни тобора олдинга имларди. Зарафшону-Бухоронинг қумли барханлари ортда қолди. Қашқадарёнинг бепоён кенгликлари бошланди.

«Дамас» тун зулматини ёриб ўқдай учади. Унинг ичида эса иккита қора юракка ин қурган ёвузлик бу дунёда разо бўлиб ёғилгиси келди. Улар ҳеч нарсадан бехабар йигитни мудҳиш фалокатдан огоҳ эта олмаганликларидан қайғуриб осмондан мунчоқ-мунчоқ кўз ёшдай милтираб боқардилар.

Икки йўловчи ўз ўрнига жойлашиб олгач, автомашина секин кўзғалди. Яна йўл бошланди. Орага жимлик чўкди. Вақт қуши тун салтанатининг ярмидан ошиб ўтиб, тонг маликаси билан дийдорлашгани ошиқарди.

— Мазам қочаяптиёв, — деб қолди ғужанак бўлиб олганча ҳайдовчи ёнига ўтирган Камол. — Машинангни бирпас тўхтат.

— Мана, ҳозирда, ака-а-а... — Анварнинг ярим сўзи бўғзида қолди. Орқадаги йўловчи уни арқон билан бўғиб олган эди. Камол ҳам унинг чаккасига мушт тушириб қолди. Ваҳший йиртқичга айланган бу икки кимса йигитни уришди, бўғишди, тепкилашди. Анварнинг кўз ўнги қоронғулашди. Кўз олдида аввал Мубор намоён бўлди, кейин болалиги - икки-уч яшарлигида онаси қучоғида силтаниб, ҳовлиларидаги дарахтга боғланган кир ёядиган сим арқонни ушлайман, деб талпинганлари, биринчи синфда мактабга боргани, жўралари, синфдош қизлар... Барча кўрган-кечирганлари бирма-бир кўз олдидан кино лентасидай ўта бошлади. Мана бу бувиси, буниси ўтган йили автомобиль ҳалокатига учраб ўлган тоғаси, буваси нимадандир афсусланиб бош чайқаб турибди. «Ие, сизлар ўлган эдинглар-ку?!», демоқчи бўлди. Айтолмади. Автомашинаси, қандайдир шарпа гир айланиб, кўз олдидан узоқлашди. Нимадир уни қоп-қора туйнукдан шувуллаб пастга тортиб кета бошлади. Эсида, болалигида баланд томдан ўзини дарвозалари олдида тўкилган қум уюми устига ташлаб, «самолёт» бўлганида юраги шувуллаб, шунақа ғалати аҳволга тушарди. Бирдан ҳаммаёқ ёришиб кетди. Қизиқ, пардай енгил бўлиб қолди-я. Ажаб, оёғи ердан узилиб, осмонга уча бошладими? Булар кимлар, қоронғуда икки киши кимнидир тепкилашаяпти. Ерда ётган ким? Ўзику, ҳаммаёғи қон.

У тўхтанглар, дея ҳалигиларга ёпишмоқчи бўлди. Аммо, улар ҳеч нарса сезишмади. Иккаласи ерда ётган жасадни судраб, қалин токзор ичига ташлаб юборишди. Сўнгра шоша-пиша автомашина томон кета бошладилар. У бир зум қотиб турди-да, шамолдай елиб бориб, уларга мушт тушира бошлади. Улардан бири бир сесканди-да, «тавба» деб қўйди.

Бир неча сониядан сўнг автомашина секин жойидан қўзғалди. У учаётган қушдай токзорга мўралади. У ерда унинг ўзи қимир этмай ётарди. Аввал ҳангу-манг бўлиб турди, сўнгра қўрқиб кетди. «Демак, ўлибманда. Энди, нима қиламан. Отажон, онажон, қайдасизлар? Наҳот, сендан бутунлай айрилган бўлсам, Мубор?! Жудаям яшагим келаяпти, жудаям. Иккимиз бирга бўлмоқчи эдику, Мубор. Энди, ҳеч ҳам кўришмаймизми-а? Эсиза, эсиз...»

Даврон СУЛТОН

• *Юлдузлар ҳаёти*

Женифер Лопес



Голливуд осмонида Женифер Лопес исмли янги бир юлдуз порлади. Асли Пуэрторикадан бўлган бу соҳибжамол Нью-Йоркнинг яшаш учун нобоп туманларидан бири — Жанубий Бронксда ўсиб-улғайган. У 15 ёшида мактабдаги ўқув-ёзув ишларига кўл силтаб, Манхэттендаги балет синфига ўқишга кирди. 1991 йилда у «XX аср Фокс» студияси томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, минглаб рақибларини доғда қолдирган ҳолда ғолибликни қўлга киритди. Бу Женифернинг келажакда катта шуҳрат қозонишидан нишона эди.

Лопесга мафтун бўлган Жек Николсон, Жон Пенн ва Жорж Клуни сингари юлдузлар ҳам у билан ҳамкорлик қилишни ўзлари учун шараф деб билдилар.


Бундан саккиз йил илгари сотувга чиқарилган унинг биринчи мусиқали альбоми АҚШдаги энг харидорбоп альбомлар ўнлигидан жой олганди. Лотин Америкаси рейтингида эса у фақатгина Рики Мартиндан кейин, иккинчи ўринни эгаллаганди. Ҳозиргача Женифер учун ҳавас қилса арзигулик яккаю ягона киши Мэрлин Монро бўлиб қолмоқда.

— Бундай жозибадор қомат мендан бошқа бирон-бир Голливуд юлдузига насиб этмаган, — дейди актриса ва кўшиқчи. — Худо кўрсатмасину, танимга бирон кор-ҳол бўлса, афсус чекиб ўтирмай деб, менежерларим билан маслаҳатлашган ҳолда ўзимнинг асосий бойлигимни 1 миллиард АҚШ долларига суғурта қилдирдим.

Ҳа, бу билан Женифер ер шаридаги энг қимматбаҳо юлдузга айланди. Голливуд юлдузи танасининг турли қисмларини турлича баҳолаган. Унинг энг қимматбаҳо аъзоси — бежирим оёқлари бўлиб 400 млн. доллар (бу пулга 8 дона В-52 бомбардимончи самолётини харид қилиш мумкин)га нархлаган. Лопес кўкрак ва киндигини 200 млн.га баҳолаган бўлса, унинг боши ва бурни «атиги» 50 млн. долларга суғурталанган.

Женифер тана аъзоларини бундай баҳолаш билан аёл танасининг энг жозибадор қисми оёқлар эканлигини эркакларга яна бир бор эслатиб қўйган.

• *Кроссворд*



Энига: 7.Савол-жавобли мусобақа. 8.Республикамиздаги шаҳар. 9.Европадаги давлат. 10.Ўсимликдан олинадиган бўёқ моддаси. 13.Ўғил болалар исми. 18.Жанубий Америкадаги саҳро. 19.Қаҳрамонлиги достон бўлган машҳур турк аёли. 20.Чин дунё. 23.Қиз болалар исми. 24.ЎзТВ I даги оммабоп мусиқий кўрсатув номи. 25.Сабзавот экини. 29.Хоразмда яшаб ўтган шоир. 30.Каспий бўйидаги шаҳарлардан бирининг қадимий туркона номи. 31.Жанубий Америкадаги давлат. 32.Кишининг ўз назаридаги қадр-қиммат, ғурур.

Бўйига: 1.Африкадаги давлат пойтахти. 2.Россиядаги дарё. 3.Томоқ безларининг яллиғланиш касаллиги. 4.Уй-жой савдоси даллоли. 5.Халқ оғзаки ижоди жанри. 6.Узлуксиз, давомли жараён. 11.Геометрик термин. 12.Республикамиздаги дарё. 14.Чўпонларнинг пуфлама чолғу асбоби. 15.Балиқ тури. 16.Бир юртга бошқа бир юртдан келган фуқаро. 17.Қиз болалар исми. 21.Африкадаги чўл. 22.Зарур ёки қулай шарт-шароит. 25.Буддизм динидаги санам. 26.Олов, аланга. 27.Чанқаш, эҳтиёж. 28.Бирон бир мансаб, лавозим эгаси.

Тузувчи: Ҳ.ҲАЙИТОВ

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

Энига: **1.Чақмоқ. 4.Аммиак. 10.Оқшом. 11.Дуб. 12.Нота. 13.Назм. 15. Адно. 16.Грамм. 19.Олапар. 20.Марказ. 24.Солиқ. 25.Тиқо. 26.Нана. 28. Теша. 31.Това. 32.Биржа. 33.Қибрай. 34.Акопян.**

Бўйига: **2.Курб. 3.Онон 5.Мумиё. 6.Илон. 7.Мадина. 8.Ишхона. 9.Драхма. 14. Зилол. 15. Арат. 17. Асака. 18.Ҳаво. 21.Асотир. 22.Ситора. 23.Бақара. 27.Кобра. 29.Араб. 30.Банк. 31.Турп.**

• *Бир чимдим кулгу*

ЖОРАНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Рельс устида куймаланаётган кишидан милиционер сўради:

— Нима қилаяпсиз?

— Рельсни йи-йиғаяпман.

— Ўртоқ, сиз мастсиз. Қани пуф, денг-чи. Ҳалиги киши «пуф»лади. Орадан бир дақиқа ўтгач эса милиционер:

— Хўш, йиғишни қайси томондан бошлаймиз?

***

— Гувоҳ, сиз уйланганмисиз?

— Йўқ, кўринишим шунақа, жаноб судья.

***

Бир киши дўконга кириб келди.

- Илтимос, юбилей торти учун шам берсангиз. Бугун хотинимнинг таваллуд куни эди.

- Сизга нечта керак?

- Ўттизта, ҳар доимгидек.

***

— Алё, «Тез ёрдам»ми? Ўғлим авторучка ютиб юборди. Нима қилишим керак?

— Ҳозирча қаламда ёзиб туринг. Биз тезда етиб борамиз.

***

Қўлида бола кўтарган сув париси унга ҳайрон бўлиб қараб турган одамлардан сўраяпти:

— Жора исмли ғаввос қаерда яшашини билмайсизларми?

Бунга нима дейсиз?

Сержаҳл аёллар эркаклар бошига ғурра, оққўнгиллари шоҳ чиқаради.

• *Ҳайратли олам*

ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

Одамларнинг қадимда ўзлари «дунёнинг етти мўъжизаси» дея ном берган иншоотларнинг қачонлардир йўқ бўлиб кетишига ишониши, албатта, қийин бўлган. Аслида эса уларнинг барчаси, фақат биттасини истисно қилганда, бу дунёдан кўчини кўтарганига анча бўлди.

Бизнинг замонамизга қадар етиб келган мўъжизалардан ягонаси ва улар орасида олдин тилга олинадигани эса Мисрдаги Хеопс эҳромидир. Бундан қарийб 5000 йил муқаддам қурилган иншоот фирьавн ва унинг завжаси дафн этилган жой саналади.

Ҳозирги Ироқ ўрнида бўлган Бобил деворлари дунёнинг иккинчи мўъжизаси ҳисобланади. Уларни милоддан қарийб 600 йил аввал машҳур подшоҳ Навуходоносорнинг ҳукмига биноан бунёд этганлар. Баландлиги 100 метр бўлган, ғиштдан терилган деворлар ҳозирда вайроналар уюмига айланиб қолган.

Юнон хайкалтароши Фидий томонидан Олимпия (Юнонистон) шаҳрида яратилган Зевс ҳайкали дунёнинг учинчи мўъжизаси деб эътироф этилган. У олтин либосга бурканган 12 метр баландликка эга фигурадан иборат бўлиб, Зевснинг танаси фил суягидан тарошланган, кўзлари эса қимматбаҳо тошлардан таркиб топган эди. Ҳайкал бизга қадар етиб келмаган.

Ҳозирги Туркия ҳудуддида жойлашган Эфесдаги Диана ибодатхонаси - тўртинчи мўъжиза. Қоятошлардан ишланган 18 метрли устунлар томни суяб турар, бутхона ичида эса юнон мусаввирларининг энг аъло асарлари жойлаштирилган эди. Милоддан аввалги 262 йилда бостириб келган готлар унга ўт қўйишган.

Ҳозирги Туркия ҳудудидаги Галикарнас шаҳрида милоддан аввалги 353 йил вафот этган подшоҳ Мавзолнинг хилхонаси дунёнинг бешинчи мўъжизаси бўлиб қолди. Иншоот шу қадар дабдабали бўлган ва ҳашаматига яраша шу қадар қимматга тушган эдики, биз бугун дабдабали безатилган хилхоналарни мавзолей деб атаймиз.

Қуёш илоҳи Гелиоснинг бронзадан ишланган Колосс Родосский деган ҳайкали дунёнинг олтинчи мўъжизаси эди. Бўйи 32 метр бўлган бу ҳайкал Родосс оролига ўрнатилганди. Милоддан аввалги 224 йилдаги зилзила туфайли у бузилиб кетган.

Форосдаги маёқ дунёнинг еттинчи, охирги мўъжизаси ҳисобланади. Унинг қурилиши тахминан милоддан аввалги 283 йилда Миср соҳилларидан узоқ бўлмаган Форос оролида бошланади. Маёқ деярли 180 метр баландликда бўлган, тепасида эса кемаларга бандаргоҳ йўлини кўрсатиб турувчи машъала ланғиллаб турган, деб ҳисоблашади. Маёқ шуъласи, у зилзила оқибатида вайрон бўлгунига қадар, 1500 йилдан ортиқ хизмат қилган.

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали
Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Я.Ғуломов кўчаси,66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Мэлс Наимов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев
Навбатчи: **Н.МАҲМУДОВ**
Саҳифалаш ва дизайн ишларини **Б.САИДОВ** бажарган

«Ҳуқуқ» оригинал макети
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.
Бичими А-3. Нусхаси 12949. Буюртма Г-1035.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди

Босмахонага топшириш вақти: **20.00**. Топширилди: **17.00**.
1 2 3 4 5 6 7 8 9
Сотувда эркин нархда